


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Үринов, Ш.Каримов

Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов

Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили 13

Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров

Туяқуш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш 20

КИМЁ

Б.Мажкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова

Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш 25

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова

Ҳашарот ҳужайраларини паст ҳароратли мұхитда узоқ муддат сақлашнинг оптималь шароитларини танлаш 29

А.Ахунов

Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

К.Тухтабеков

Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари 36

Ў.Жўраев

Советлар даврида таълим тизимини мағкуралаштириш (1950-1980 йиллар) 40

Е. Гордеева

Калтаминон маданияти мағкураси тўғрисидаги масалага доир 43

И.Раҳимов

Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири 47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

А.Ўтамуродов, Б.Турсунов

Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи 50

Т.Алимардонов, А.Азимов

Ўтиш даврининг классик модели 54

Ф.Мирзаева

Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддиция тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари 58

И.Тоирев

Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари 61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров

Фирдавсий тақдири Ҳайнрих Ҳайне талқинида 66

Р.Тошниёзова

Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари 70

М.Хамидов

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи 75

А.Қаюмов

Уруш – миллий характер күшандаси 77

М.Эрназарова

Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари 81

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Искандарова, М.Омонов

Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар 85

МАЪРИФАТ ВА ТАЛҚИН: ШОҲИД ОБРАЗИНИНГ ОНТОЛОГИК АСОСЛАРИ

ПОЗНАНИЕ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ: ОНТОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗА ШАХИД

COGNITION AND INTERPRETATION: ONTOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE IMAGE OF SHAHIDS

Р.Тошниёзова

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги ҳайратлар, шунингдек, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун муносабатлари асосидаги шоир важдий-ирфоний (онтологик-гносеологик) кечинмалари, англамаларининг бадиий инъикоси таҳлил этилган. Мажозийлик замирада ифодаланган маърифат даражалари, руҳий юксалишлар натижасида англанган Тавҳид ғояси, шоҳид образи шоирнинг онтологик тафаккури тизимини белгилайди. Шоирнинг истомий Низомга асосланган шахсий-индивидуал кечинмаларини, унинг илоҳиётим, Ягона борлиқ ҳақидаги ўзига хос идрокиётини талқин ва таҳлил этишининг ирфоний-важдий асослари тадқиқ этилган. Ҳайратларда маърифат ҳосил қилишининг муҳим синергетик стратегияси акс этади: бу ўзаро зид икки олам муносабатларига бир нарсанинг икки томони сифатида ёндашишдир.

Аннотация

В статье анализируется поэтика поэмы Алишера Навои «Ҳайрат ул-аброр» в онтологическом и гносеологическом аспекте, основанной на отношениях Фархада и Ширин, Лейли и Меджнун. Идея единобожия, выраженная в сущности образного, идея таухида как следствия степени познания, образа свидетеля (шахид) определяет онтологическую систему поэта. Изучаются теологические основы художественного текста как личного опыта поэта на основе исламского учения, его транспersonальные переживания и восприятия богословия и Вселенной. Изумление (ҳайрат) суfiйского путешественника отражает важную синергетическую стратегию познания: подход к отношениям двух взаимосвязанных миров, феноменального и духовного, как двум сторонам единого бытия.

Annotation

The article analyzes the poetics of Alisher Navoi's poem "Hayrat ul-Abror" in the ontological and epistemological aspect , based on the relations of Farhad and Shirin, Layli and Majnun. The idea of monotheism, expressed in the essence of the figurative, the idea of tawhid as a result of the degree of knowledge, the image of a witness (shahada) determines the poet's ontological system. The philosophical and theological foundations of the interpretation and analysis of a literary text as a personal experience of the poet based on the Islamic charter, its unique perception of theology and the Universe are studied. The amazement of the Sufi traveler reflects an important synergetic strategy of cognition: an approach to the relations of two interconnected worlds, phenomenal and spiritual, as two sides of one.

Таянч сўз иборалар: онтологик тафаккур, мулоҳада, муроқаба, фано, тавҳид ва таҳқиқ, ирфоний-важдий англамалар, шоҳид образи

Ключевые слова и выражения: онтологическое мышление, познание, интуитивность, онтологическо-гносеологическое познание, истина, образ свидетеля (шахид)

Keywords and expressions: ontological thinking, contemplation, intuitiveness, fano, ontological and epistemological knowledge, truth, image of a witness (shahada).

Мумтоз адабиёт, хусусан, ўрта асрлар тасаввуф адабиёти намуналари инсоният маънавий-маданий, маърифий тафаккури, тахайюли маҳсулидир. Ирфон ва илм-фан инсоннинг руҳий ва ақлий тажрибаси натижаси бўлиб, борлиқ моҳиятини ва унинг инсон билан ўзаро алоқасини тушунтиришда катта аҳамиятга эга. Иррационал идрок инсоннинг руҳий трансформацияси, руҳан юксалиши, онгининг равшанлашишига ва тафаккурининг кенгайишига йўл очади. Кечинмалар кайфияти бавосита улар ифодаланган бадиий матнларга кўчади.

Улар бадиий матнлар қатида жойлашган боқий ғоялардир. Шундай экан, муроқаба тажрибаси баёни ва ифодаси ижодкор тафаккури, тахайюли сарҳадлари даражасини белгилайди. Ушбу мақолада Навоий дунёқараши, “Ҳамса”да шоир онтологик поэтикасидаги шоҳид образининг важдий-ирфоний (онтологик-гносеологик) асосларини ёритилган. “Унинг достон ва ғазалларида акс этган илмий-бадиий, диний-фалсафий тафаккури шу қадар кенги, баъзи байтлар шарҳи ўқувчидан ниҳоятда кенг билимга эга бўлишни тақозо этади. Қуйидаги

Р.Тошниёзова—Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ мустақил тадқиқотчisi.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

мисралар диққатга сазовор:

*Навоийки, ул жомеи сирру жаҳр,
Анинг ҳар сўзи дур муаммо мисол.” [1,4]*

Кейинги даврларда инсоннинг нафақат мушоҳада этиш имкониятлари ўрганилди, шунингдек, унга ўзига хос субъектив реаллик сифатида қараш диққат марказига чиқди. Инсонни бошқа обьектлар билан бир қаторга қўйиш мумкин эмас, чунки олам айнан унинг идрокида намоён бўлади. Шахс дунёқараш тизими ва унинг ижодиёти маҳсули ўзаро боғлиқ яхлит ҳодисадир. Бунда ижодкор тафаккурининг онтологик асослари, унинг яратувчанлиги, ижодининг эстетик жиҳатлари хам намоён бўлади. “Шарқ учун ижод ҳақиқий воқеликка, “бўшлиқ” қайтиш ва мавжудликка боғлиқликдан озод бўлишдир” [3,18]. “Бадиий асар Ҳақ ва ҳаққа таянади; ижод сир-синоатга тўлиқ жараён. Қалбида ҳидоят нури мужассам бўлганларгина ҳам халққа, ҳам Ҳаққа манзур асарлар битиш шарафига ноил бўлади. Ҳазрат Навоий ижоди бунинг исботидир, “Хамса”нинг умрбокийлиги боиси шунда. Шу сабабдан ҳам ул зот мусассар бўлган буюк мақомга эришмоқ маҳол” [2, 98] Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” нинг ҳамд қисмида Яратганга илтижо қилиб битган байтини эслаш мумкин:

*Кетур илгимга дого жоми тавфиқ,
Еттур кўнглумга дого роҳи таҳқиқ. [4,9]*

Инсон оламни яхлит англашда мавжуд нарсалар ҳақидаги муҳокамалардан моҳият ҳақидаги қарашларга, «соғ» борлиқни ўзига хос реаллик, воқелик сифатида англашга қараб борди (Парменид). Фалсафада ушбу ўтиш жараёни ҳиссий органлар тажрибаси билан билиб бўлмайдиган воқеликка, асл ҳақиқатга даъво қила бошлади. Парменид борлиқ ва тафаккурининг ўзаро узвий боғлиқлиги, ҳақиқий фикрлаш имкониятлари ҳақидаги тезисини илгари сурди. Ушбу тезисга кўра, фикрнинг инсон томонидан аниқ ва равшан тасаввур қилиниши шунчаки субъектив кечинма эмас, бу қандайдир объективлик, борлиқ ва фикр, онг моҳиятнан бир нарса. Бундай тушунча, бир тарафдан, ҳақиқат мезонларини англай олиш имкониятини асослаш, иккинчи тарафдан, борлиқнинг фундаментал асоси бўлган ҳақиқатни англаш учун муҳим эди. Демак, Ҳақиқий мавжудлик (илоҳий борлиқ) ва уни равшан идрок этиш (ҳақиқатнинг ташувчиси) ўртасида узвий алоқа, шунингдек, субстанционал фарқ мавжуд.

Абу Ҳомид Ғаззолий ақлий билимлар соҳасига, мушоҳада этиш жараёнига барчанинг ҳам имкони етмаслигига ишора этган [5,132-133]. “У илм мазмум сифатлардан пок қалбда зоҳир бўладиган нурдир. Мана шу нур билан олдин эштилган, лекин маънолари англашилмаган кўп ишлар кашф бўлади, Аллоҳнинг зотини, боқий ва комил сифатларини, феълини, дунё ва охиратни яратишдаги ҳикматларини, дунё устига охиратни қўйиш тартибини, нубувват, набий ва вахий маъносини, фаришталар ва шайтонлар лафзларининг маъносини, шайтоннинг инсонларга душманлиги, анбиёларга фаришталарнинг кўриниши ва пайғамбарларга вахий келиш кайфиятини, Ер ва осмонлар салтанатини, қалбни билишни, фаришталар ва шайтонлар жамоаси орасидаги фарқни, охират, жаннат, дўзах, қабр азоби, сирот, мезон ва ҳоказоларни ўша нур орқали англайди” [6, 48]. Шунинг учун ҳам Ҳофиз Шерозий “Лисон ул-ғайб”, Абдураҳмон Жомий “Кошифи сирри илоҳ”, Алишер Навоий эса “Жомеи сирру жаҳр” унвонлари билан машҳур бўлишган [7,7].

Аллоҳ ва инсон муносабатини ойдинлаштиришда маърифатнинг ўрни ҳақидаги қарашлар исплом тафаккури тарихида бир-бирига зид эмас. Ибн Арабий Аллоҳ ва инсон ўртасидаги маърифатнинг уч кўринишини таъкидлайди: ақлий, мушоҳада ва муроқаба. Ушбу кўринишларни ягона тизимга яхлитлаш мумтоз исплом фалсафасидаги асосий масалалар, яъни Худо ва касрат олами муносабатлари, инсоннинг оламдаги ўрни муаммоси ечимини беради.

Қушайрийга кўра, мушоҳада онтологик ҳолатни ёки Ҳақиқатнинг борлиғини, Мутлақнинг суфий орқали Ўзини англашини, илм ва борлиқ бирлигини намоён қиласди. У Аллоҳга томон йўлнинг уч даражасини ажратади: 1) Аллоҳнинг оят (белги)ларини кузатиш ва уларга гувоҳлик бериш; 2) Идрок жараёнида мантиқий далиллар инкор этиб бўлмайдиган аниқ далиллар билан алмашиниши; Аллоҳ зотини исботлаш-тасдиқлаш; натижада суфий Аллоҳни бевосита мушоҳада этади; 3) илоҳий зот ва илоҳий вужуд воситасидаги Ҳақиқий намоёнлик ва бу соликнинг сўнгги мақсади.” [8,552]. Келтирилган таснифларга изоҳ сифатида кейинги маълумотни эслаш жоиз. Тасаввуфда фанонинг уч поғонаси мавжуд:

1) ирфоний (маърифат орқали билиш); 2) шуҳудий (Аллоҳнинг тажаллийсини кўра олиш); 3) вужудий (онтологик). Ҳар бир поғона зотий, сифотий, феълий ва асарий номли қисмлардан иборат [9,16]. Фарҳодга Суқрот Ширин томон йўл кўрсатиб, шундай дейди:

*Бурунғи кўзгуким ашқингни сочти,
Бу ўқ онинг тилисмин доғи очти.
Неким кейнида ёзмиш пайкароро,
Санга юзинда бўлғай ошкоро.
Ани кўргач етиб ишқ ибтиноси,
Бўлуб ошиқлиғингнинг ибтидоси.*

Сен аввал кўрган кўзгуга қайтадан қарайсан, орқасида нима ёзилган бўлса, энди уларни унинг юзида кўрасан. Уни кўрганингдан сўнг сенга ишқ балоси ёпишади". Суқрот юқорида келтирилган уч хил билиш босқичларига ишора қилмоқда. Аввалги кўзгунинг орқасида ўқиганларимантиқий далиллар, диалектик мушоҳадалар (илм ул-яқийн) аниқ далилларга айланади (айн ул-яқийн), энди солик кўзгунинг юзида Аллоҳ сифатларини тасдиқлай олади. Шундан кейин ҳақиқий ишқ ўз қўшинини у томон йўллайди (ҳаққ ул-яқийн). Навоийнинг ишққа берган таснифи Ибн Арабийники билан айнандир. Ишқнинг биринчи тури табиии ишқидир. Кейингиси руҳоний ишқ. Бунда мақсад-маъшуқага ўхшаш. Илоҳий ишқ - Аллоҳнинг бандасига, банданинг Роббига бўлган ишқи. Бир-бирига шоҳидлик бериши, Аллоҳнинг Ошиқ қалбида мазҳар эканлиги, унинг ботини, ғайби эканлигига шоҳидлик бериши ва аксинча, Ҳақиқат инсоннинг манзили, мазҳари. Унда касрат сифатлари акс этиши. Ошиқ маъшуқани сифатлашга қодир эмас. Чунки идрок бўлса, ишқ йўқолади. Идрок бошқарадиган ишқ мавжуд эмас.

Муроқаба ҳолатига кўра, вужудий ва ирфоний фарқ инкор этилади; солик Ҳақиқатни яхлит англай олади [10,283-286]. Солик шубҳалардан холи ва ақлий далилларга муҳтож эмас.

Тасаввуф ҳақиқатни англашдан кўра, унинг амалга ошиши, ҳақиқатнинг борлиқда инсон қаршисида ва у орқали "борича тасдиқпаниши", ҳақиқатни "борича-қандай бўлса шундай" лигича борлиқда бевосита топиш (важд) таълимотидир. Бундай "илоҳий асрор" ҳақидаги маърифат босқичи фақат юқоридан бериладиган илоҳий илҳом бўлиб, у пайғамбар ва авлиёларга хосдир. Муроқаба жараёнини ҳаракатга келтирувчи,

ирода фақат Аллоҳдан. Ваҳдатни касратда, касратни ваҳдатда идрок эта олишдир.

*Анингдек оҳ тўғонин чиқорди
Ки, маҳвашнинг никоби елга борди.
Кўрунгач ул жамоли оламоро,
Анинг матлуби бўлди ошкоро. [4,187]*

Қуръонда ҳақиқатнинг очиқ, ойдинлиги таъкидланади: "У ошкор ва пинҳондир" [15, 57;3]. Аён бўладики, Аллоҳни ҳамма ерда кўриш ва Унга ҳамма ерда ибодат қилиш мумкин. Фарҳоднинг Суқрот ўргаттган исмларнинг айтганига бўйсуниб, қўлидаги кишанларни (ақлий муҳокамалардан, ўз иродада кучидан эркинлиги) бўшатиб юбориши тасвиrlenади.

*Вилоят машъалидин жонида нур,
Каромат нури бирла кўнгли маъмур.
Қачонким кўнгли истар очилур банд,
Алар кўнгли учун ўзин қилур банд [4,276]*

Касрат олами нарсаларининг барчаси Шириннинг жамолига (яъни бутун олам нарсалари Ҳақиқатга) шоҳидлик беришарди:

*Кўлин айлаб қулонлар бўйни банди,
Етиб эркин дебон ул ой каманди.
Қилиб гоҳи кийиклар бирла бозор,
Тилаб мушкин ғазолин йиғлабон
Кўруб кабки дарининг сайру гомин,
Қилиб ёд ул бути раъно хиромин...
Қилиб зоғ оллида афғонга оҳанг
Ки, зулфидин магар касб айладинг ранг.*

"Ҳайрат ул-аброр" достони 39-бобининг ишқ хусусидаги мақолотида кўнгли маҳзани асрор Шайх Ироқийнинг Шом вилояти шоҳининг "путф-у малоҳатда жон оғати" бўлган ўғлини кўриб, унга ишқи тушгани баёни ҳам шоҳидлик ғоясига ишора қиласди¹.

*Хусни ҳақиқийни гар ўтруда кўр,
Хоҳ ани кўзгудау, гар суда кўр.
Чун гараз ул ҳуснға бўлди шуҳуд,
Кўзгуеву сувға арода не вужуд. [16,39]
Шаҳд эрур ул, валек бас ширин,
Лаъл эрур ул, валек бас рангин.[CC.20]*

Шу тариқа инсоний ва илоҳий ишқ бир моҳиятнинг икки хил шакли сифатида акс этади. Шоҳидлар-йигитлар жамолига тикилиш билан ҳар лаҳзада янги-янги

¹ Абдураҳмон Жомий ўзининг суфий авлиёлар ҳақидаги «Нафаҳот ал-унс мин ҳузурот ал-кудс» тазқириасидафорс илоҳиётчи шоирлар Авҳадиддин Кирмоний, Ахмад Газзолий, Фахриддин Ироқийларнинг шоҳид тимсолига тегишли бундай карашларини химоя киласди. Нажмиддин Кубро ҳам ушбу тимсол талкинига ижобий ёндашган.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

сифатлар кашф этиш мумкин. Шоҳидлар ўз гўзал сурати билан Аллоҳнинг қудратига гувоҳлик беради, дейди Саолибий. Уларга қараш кўз учун фойда, деб хисоблайди шайх Ироқий: “Уч нарса кўзниңг қувватини оширади: сурма суриш, ўсимликларга қараш, гўзал юзга тикилиш” [17,116] Аллоҳни англамаган киши паришон аҳволга тушиб қолмаслиги учун бу гўзал йигитларга назар солмаслиги лозим.

“Баъзилар камолни шунда билидиларки, Боқий таолонинг шуҳуди касратда муяссар бўлади. Бу маънони касратдаги “Аҳадияти жамъ” ва “Вужуд шуҳуди аҳадият” деганлар. Бирламчи камолотни “Шуҳуди аҳадияти зот” деганлар. Ҳақ субҳонаҳунинг шуҳудини таҳқиқ қилишда ҳақ зотига бўлган муҳаббатнинг боғланиши билан ҳамма нарсадан озод бўлинади. Балки сифатлар тажаллийсининг кўплиги сабаб шуъур (билиш, сезги) машақатидан ҳам халос бўлади. Агар Ҳақ субҳонаҳу шундай кишини бошқаларга нисбатан сабаби ҳидоят қилса, неъмат ато қилинган бундай табаррук вужуд аҳадиятга назар қилгувчи эканлиги зоҳир бўлади. Касратда бул вужудга аҳадият шуҳудидан ҳеч нарса маҳфий қолмайди”[18,77]

“Садди Искандарий”да шоҳ Искандар сафарининг сўнгига баҳри Муҳитнинг марказига бориб, шиша қобиғда уммоннинг тубигача етади. У султон ат-таҳқиқ мақомига чиқади:

Суву сувдағин ўйла кўрди аён
Ки, кўргай киши баркаи моҳиён.
Қуруғлуққа ҳар жонварким бўлур,
Башар жинсидин ҳар суварким бўлур.
Қўрунди анга борчаси сув аро,
Нечукким булар акси кўзгу аро[19,76]

“Тавҳиднинг ҳақиқати ва мағзи ўзининг ҳақиқатига икки олам алоқаларидан бўлган ҳар бир нарсадан, балки ирова сифатларидан ҳам бутунлай озод ва мужаррад қилмагунча муяссар бўлмайди. Асмо ва сифат тажаллийларидан ҳам тамоман халос бўлсин. Шуҳудий зотийда шундай йўқ бўлсинки, шуҳуд васфини ҳам унутсин. Бу авж-марtabага етиш зикр воситаси илиа жазба султони нозил бўлиши или ёки жамъият аҳлиниңг жамъият тасарруфи сабабли икки олам андишасидан ҳақиқатни якто (ёлғиз, озод) қилмасдан етиб бўлмагай.” “Лайли ва Мажнун”да:

Иш ўлди кишига боиси дард,
Қилмоқ ики кавн фикридин фард,

-дея, Навоий Хожа Аҳрори Валийнинг ушбу фикрларини тасдиқлайди. Унинг:

Эй, ақл сенинг йўлунгда ғофил

Ким, телба сенинг йўлунгда оқил,
каби таъкиди манзилнинг сўнгидаги соликнинг ирова сифатидан, шуур машақатидан ҳам халос бўлишига ишора қиласди.

Ки, Фарҳоди била ётиб ҳамоғуш,

Кўюбон рўй-баррў, дўш-бардўш.

Кўзию қоши узра, кўзу қоши,

Сари мў бўлмайин зоҳир

таҳоши.[4,347]

Демак, солик учун ўз жисми қобигидан қутулиш қийинчиликсиз амалга оширила бошланди, бу каби ҳолатлар вақтингчалик бўлмай, унинг доимий сифатига айланди. Суфий зулмат пардаларини узиб, борлик мақомларини бирин-кетин эгаллар экан, у Илоҳийликнинг соҳилсиз уммонига йўл топади (важд), тавҳидни англайди, касратга қайтганда эса уни (Яккаю ягона гўзални) ҳамма нарсада кўради (ҳайрат). Унинг таниш юзини касратнинг ҳар бир нарсасида топа олади.

Қилди мазоҳирда хаёли зухур,

Топқали ул ҳусн камоли зухур. [16,11]

Демак, Аллоҳ ҳақиқати амалга ошиши учун у зухур этиши лозим эди. У ҳусни камолининг мукаммал бўлишини истади. Ҳақиқатнинг абадий томони фақат мантиқан моддий оламдан аввалги. Илоҳиёт илмидаги икки олам муносабатларига ушбу қарама-қарши томонларнинг бир-бирини таъминлаши нуқтаи назаридан қаралади. Идроҳиёт учун бу зарурий онтологик ҳолат. Тажаллиёт Аллоҳ ҳоҳишининг, иродасининг, “камолининг” мантиқий шартидир. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ҳайратлар, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун муносабатлари асосидаги важдий-ирфоний (онтологик-гносеологик) кечинмалар, англанмалар бетакор бадиий ифодаларда намоён этилади. Мажозлар силсиласи замирада ифодаланган тавҳид даражалари, руҳий юксалишлар натижасида англанган Тавҳид ғояси шоирнинг онтологик тафаккур тизимини белгилайди, унинг исломий Низомга асосланган шахсий-индивидуал кечинмаларини, унинг илоҳиёт, Ягона борлик ҳақиқати ўзига хос идроқиётини талқин ва таҳлил этиш имкони яралади. Ҳайратларда маърифат ҳосил қилишнинг муҳим (синергетик) стратегияси акс этади: бу ўзаро зид икки олам

муносабатларига бир нарсанинг икки томони тасаввуп адабиётида ушбу ғояни сифатида ёндашишдир. Шоҳид образи эса ифодалашда аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Сирожиддинов Ш. Навоий ақидалари (Биринчи сұхбат). –Т.: «Navoiy universiteti», 2018.
2. Жабборов Н. Алишер Навоийнинг ижод табиати ва ижодкор масъулиятига доир қарашлари. “Алишер Навоий ва XXI аср” мавzuидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Т., 2018.
3. Столетов А.И.Онтология художественного творчества. Автореферат дис.на соискание ученой степени доктора философских наук. –Уфа, 2009
4. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик. -Т. 8. – Т.: Фан, 1991.
5. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Т., 2011.
6. Фаззолий, Абу Ҳомид ибн Мұхаммад. Иҳёи улум ад-дин. –Т.: Ислом университети, 2014.
7. Сирожиддинов Ш. Шеъриятда инсон руҳий камолоти талқини. –Самарқанд, 1992.
8. Кушайрий. Латоиф ал ишорат.;икт.: Насыров И.Р.Основания (онтологические и гносеологические) исламского мистицизма (генезис и эволюция).–М.: Языки славянских культур, 2009.
9. Сирожиддинов Ш. Шеъриятда инсон руҳий камолоти талқини. –Самарқанд, 1992.
10. Насыров И.Р.Основания (онтологические и гносеологические) исламского мистицизма (генезис и эволюция).–М.: Языки славянских культур, 2009.
11. Аль-Джанаби, Майсем Мухаммед. Теология и философия ал-Газали = Al-Ghazali's Theology and Philosophy: [труды] / М. М. Аль-Джанаби. – М. : Марджани, 2010.
12. Кушайрий. Латоиф ал ишорат.;икт.: Насыров И.Р.Основания (онтологические и гносеологические) исламского мистицизма (генезис и эволюция).–М.: Языки славянских культур, 2009.
13. СмирновС.А. Великий шейх суфизма. –М., Наука, 1993.
14. Сирожиддинов Ш. Шеъриятда инсон руҳий камолоти талқини. –Самарқанд, 1992.
15. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. –Т.,1998.
16. Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. -Т. 7. – Т.: Фан, 1991.
17. Ширазий. Ишкнаме (Книга любви) // Мухаммад Дабир Сийаки.Тегеран, баҳман/1339 г. с. х. / январь-февраль 1961 г. С. 269-273 (глава четвертая «Об истинности земной любви»); Ираки, Фаҳр ад-Дин Ибраҳим Ҳамадани.Куллийат (Полное собрание сочинений) 2-е изд. Сайд Нафиси.Тегеран, 1336/1957: Ас-Сүйути, Джала лад-Дин Абдар-Рахман.Ал-Джами ас-сагир фи аҳадис ал-башир ан-назир (Маленький сборник преданий сподвижников пророка и пророка) –Т. 1.Каир, 1321/1903 –С. 116; В.А.Дроздов. Учение о шахиде в средневековой суфийской литературе. ООО «Садра». 2015.
18. Ҳожа Аҳрори Валий. Табарруқ рисолалар. –Т.: Адолат, 2004.
19. Навоий Алишер. Садди Искандарий. МАТ. 20 жилдлик. -Т. 11. – Т.: Фан, 1993.
20. Ас-Суламий. Табақот ас-суфия. –Т.,1998.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).